БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 16 (14.179).

1969 ЯНВАРЬ 19 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Фазо қаҳрамонлари В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев белгиланган программани муваффақиятли бажариб она Ерга эсон-омон қўндилар.

МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ

КОСМОНАВТЛАР БОШҚАРГАН «СОЮЗ-4» ВА «СОЮЗ-5» КОСМИК КЕМАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА, УЧИРИШДА ВА ТУТАШТИРИШНИ ҲАМДА ОРБИТА БЎЙЛАБ УЧГАН ВАҚТДА ИККИ КОСМОНАВТНИНГ ЖАҲОНДА БИРИНЧИ МАРТА БИР КЕМАДАН ИККИНЧИ КЕМАГА ЎТИШИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР ВА КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ВЛАДИМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ ШАТАЛОВ, БОРИС ВАЛЕНТИНОВИЧ ВОЛИНОВ, ЕВГЕНИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ХРУНОВ ВА АЛЕКСЕЙ СТАНИСЛАВОВИЧ ЕЛИСЕЕВ ЎРТОҚЛАРГА.

Азиз ўртоқлар!

1969 йилнинг бошланиши космик фазони забт этиш ишида совет фани ва техникасининг янги жуда катта муваффақияти билан нишонланди. Планеталараро «Венера-5» ва «Венера-6» автомат станцияларини учириш амалга оширилгандан кейин тўрт совет космонавтининг «Союз» кемаларида қилган ажойиб парвози муваффақиятли тугалланди.

Космонавтлар В. А. Шаталов билан Б. В. Волинов бошқарган «Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари орбита бўйлаб учиш вақтида бир-бирини қидириш, кўп марта маневр қилиш, ёндошиш ва туташиш ишини амалга оширдилар. Кемалар маҳкам туташгандан кейин Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев ҳаётни таъминлайдиган мустақил системалари бўлган скафандрларда космик фазо орқали «Союз-5» кемасидан «Союз-4» кемасига ўтдилар. Сўнгра кемалар бир-биридан ажратиб юборилди ва парвоз тугагандан кейин Ердаги белгиланган районларга қайтариб туширилди.

Бутун парвоз давомида кемаларнинг аппаратлари ва системалари яхши ишлади. Бу эса илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментлар ўтказиш программасининг муваффақиятли бажарилишини таъминлади.

Кемаларнинг қаҳрамон экипажлари барча топшириқларни тўла бажардилар.

Жаҳонда биринчи марта космик фазода бажарилган бу эксперимент космонавтлар бошқарадиган парвозларни янада ривожлантириш ҳамда кейинчалик кўпгина илмий ва халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилиш имконини берадиган орбитал станциялар вужудга келтириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлигингиз учун ҳамда мураккаб ва масъулиятли топшириқни бажарганлигингиз билан В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев, азиз ўртоқлар, Сизларни самимий қутлайдилар.

Космонавтлар бошқарган «Союз-4» ва «Союз-5» космик кемаларни тайёрлашда, учиришда ва туташтиришда ҳамда икки космонавтнинг жаҳонда биринчи марта орбитал парвоз вақтида бир кемадан иккинчи кемага ўтишини муваффақиятли амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларни, барча коллективлар ва ташкилотларни қутлаймиз.

Космосда янги йўллар очаётган совет космонавтларига шон-шарафлар!

Янги космик кемалар яратаётган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ТАСС АХБОРОТИ

КОСМОНАВТЛАР БОШҚАРГАН «СОЮЗ-4» ВА «СОЮЗ-5» КОСМИК КЕМАЛАРИ ПАРВОЗИНИНГ ПРОГРАММАСИ ТЎЛА БАЖАРИЛДИ

«Союз-4» ва «Союз-5» совет космик кемаларининг группа бўлиб қилган парвози муваффақиятли тугалланди.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари 1969 йил 14-15 январда сунъий йўлдош орбитасига чиқарилганлиги бундан олдин хабар қилинган эди. Старт комплекси равон ва пухта старт олди тайёргарлигини ва космик кемаларни учиришни таъминлади. Учирувчи ракеталарни бошқариш системалари кемаларни ҳисоблаб қўйилган орбиталарга аниқ чиқариб қўйди.

Илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментлар программаси тўла ҳажмда бажарилгандан кейин командирлар В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, борт инженер А. С. Елисеев ва тадқиқотчи инженер Е. В. Хруновлардан иборат экипажлар тушган «Союз-4» космик кемаси 1969 йил 17 январда ва «Союз-5» космик кемаси 18 январда Ерга қайтиб тушди.

Космик кемаларнинг туширилдиган аппаратлари космонавтлар билан бирга белгилаб қўйилган қўниш районларига роят аниқ тушди. Ерга қўнгандан кейин ҳам барча космонавтларнинг сиҳат-саломатлиги яхши. Космонавт-учувчилар Шаталов, Волинов, Елисеев ва Хрунов ўртоқлар парвоздан кейинги медицина текширувидан ўтишлари учун космодромга олиб кетилди.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари Ер атрофи орбитаси бўйлаб уч сутка парвоз қилди. Группа бўлиб учиш вақтида бир қанча роят муҳим илмий-техника тажрибалари амалга оширилди.

Ер сунъий йўлдоши орбитасида биринчи экспериментал космик станция вужудга келтирилди ва ишлаб турди. Станция одам яшайдиган тўрт бўлмадан иборат бўлиб, бу бўлмалар илмий тадқиқотлар, кузатишлар ва тажриба ишларининг катта комплексини бажаришни таъминлади.

Бўлмалардаги микроиқлим параметрлари — босим, температура, атмосферанинг намлиги ва газ таркиби ердаги шароитга мос эди. Станциянинг бўлмалари ўртасида телефон алоқаси ўрнатилган эди.

Кемаларни туташтириш ва станцияни вужудга келтириш вақтида яқинлашиш, ёндошиш ва туташишни автомат ва қўл билан бошқариш системаси амалда текширилди ва роят пухта эканлигини кўрсатди. Ичида одами бўлган космик станциянинг парвози вақтида бутун комплексни тўғрилаб қўйиш ва тўғрилаб қўйилган ҳолатда фазода уни барқарор қилиш ишлари муваффақиятли ўтказилди.

Икки космонавт — тадқиқотчи инженер Хрунов билан борт инженер Елисеевнинг космик фазога чиққан ҳолда бир кемадан иккинчи кемага ўтиши жуда буюк эксперимент бўлди.

Космонавтлар Хрунов билан Елисеев махсус скафандрларда қарийб бир соат давомида космик фазода бўлдилар. Улар очиқ космосда бир қанча монтаж операцияларини, кино ва фотосуратга олиш каби ишларни бажардилар, илмий кузатиш ва тажриба ўтказдилар, шунингдек Ердан олиб чиқилган газета, телеграмма ва хатларни «Союз-4» кемасига етказиб бердилар.

Регенерацион типдаги ҳаётни таъминлайдиган янги мустақил системага эга бўлган космик скафандрлар инсон организмининг очиқ космосда нормал ишлаши учун зарур шароитни яратиб берди.

Ўтиш жараёнида барча космонавтлар ўртасида ва Ердаги бошқариш пунктлари билан телевидение ҳамда радио орқали доимий, барқарор алоқа қилиниб турди.

Катта ҳажмда илмий тадқиқот, эксперимент ва кузатиш ишлари бажарилди.

Жумладан, космик навигация принциплари такомиллаштирилди, Ер юзининг характерли геология-география тузилишлари, Ернинг булутли ва қорли қатлами кузатилди, Ер ва юлдузларнинг ёркинлиги, циклонлар ва тўфонларни пайқаш тадқиқ этилди. Космик парвоз шароитининг инсон организмига таъсирини медицина-биология жиҳатдан тадқиқ қилиш кенг программа асосида амалга оширилди.

Бутун парвоз давомида космонавтларнинг соғлиғи муттасил медицина назорати остида бўлди.

Станция экипажининг аъзолари мураккаб тажрибаларни бажарган вақтда олинган медицина телеметрик ахборотларнинг анализи, радио орқали гаплашиш, шунингдек телевидение орқали кузатиш маълумотлари парвознинг ҳамма босқичларида космонавтлар юксак иш қобилиятига эга бўлганлигидан далолат бериб турибди.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари билан радио орқали доимий барқарор алоқа қилиб турилди. Кемалардан мунтазам равишда телевизион эшиттиришлар ва репортажлар берилди. Тасвирларнинг сифати яхши бўлди.

Ердаги кузатиш пунктларини ва Фанлар академиясининг тадқиқот кемаларидан иборат бўлган команда— ўлчаш комплексининг воситалари икки космик кемани айни бир вақтда бошқаришни ва улар билан барқарор алоқа ўрнатишни таъминлади.

Олдиндан яхши ўқитилган ва бир мақсадга қаратиб тайёргарлик кўрилганлиги, шунингдек парвознинг барча элементлари ва операцияларига роят яқин бўлган машқ воситалари комплекси ўтказилганлиги туфайли экипажлар парвознинг ҳамма босқичларида парвоз топшириқларини муваффақиятли бажардилар ва аниқ ишладилар.

Қидириш-қутқариш комплекси космонавтларни тез топиш ва олиб кетишни таъминлади.

Парвознинг энг муҳим натижалари қуйидагилардан иборат:

— космик кемаларнинг маневр қилиши, қидириши, яқинлашиши, ёндошиши ва туташишининг муваффақиятли бажарилиши;

— орбитада ичида одами бўлган экспериментал космик станциянинг вужудга келтирилиши;

— икки космонавтнинг бир кемадан иккинчи кемага ўтиши амалга оширилган эксперимент. Бу эксперимент космосда юк ташиш, ремонт ва монтаж ишларини бажариш космонавтлар бошқарадиган орбитал станцияларнинг экипажларини алмаштириш ёки авария юз берган вақтда экипажларини қутқариш сингари операцияларни бажариш учун шарт-шароит яратиб беради;

— экспериментал космик станция алоҳида учган вақтда ва биргаликда учган вақтда космик кемалар борт системаларини, агрегатлари ва конструкциялари элементларини комплекс текшириш ва синаб кўриш;

— кўплаб илмий-техника ва медицина-биология тадқиқотлари, кузатишлар ва экспериментлар ўтказиш.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари парвозининг натижалари космик техникани янада такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, келгусида космонавтлар бошқарадиган парвозларни ривожлантириш ҳамда илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқарилмайдиган орбитал станциялар яратиш учун фойдаланилади.

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-5» КОСМИК КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

Космонавт-учувчи Б. В. Волинов бошқарган «Союз-5» космик кемаси белгиланган парвоз программасини муваффақиятли бажариб бўлгандан кейин 1969 йил 18 январь Москва вақти билан соат 11 да Совет Иттифоқининг белгиланган районида, Кустанайдан 200 километр ғарби-жанубда Ерга қўнди.

Космонавт ўзини яхши ҳис этмоқда.

Орбитадан тушишни амалга ошириш учун белгилаб қўйилган вақтда тормоз берувчи двигатель установкаси ишга туширилди. Двигатель ишлаб бўлганидан кейин космонавт Б. В. Волинов билан туширилади ган аппарат орбитал бўлмадан ажралди. Атмосферада тормоз берилгандан кейин парашют системаси билан юмшоқ қўндириш двигателлари аппаратнинг равон пасайишини ва ҳисоблаб қўйилган районга қўнишини таъминлади.

Ерда космонавт Б. В. Волиновни қидириш группасининг вакиллари, дўстлари, спорт комиссарлари ва журналистлар кутиб олдилар.

«Союз-5» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланди. «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларида илмий тадқиқотлар ва тажрибалар олиб борилиш программаси тўла бажарилди.

АССАЛОМ ОНА ЕР

«СОЮЗ-4» КЕМАСИ КУТИБ ОЛИНГАН ЖОЙДАН РЕПОРТАЖ

«Союз-4» кемаси ҳозиргина Қарағанда яқинида мўлжаллаб қўйилган жойга жуда аниқ қўнди. Бу кемада космонавтлардан В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ва Е. В. Хруновлар бор эди.

Ердаги кузатиш хизмати ходимлари тун бўйи уларни кутиб олишга тайёрландилар.

Кечаси совуқ 35 градусга тушди. Майдонда кучли шамол эсарди. Кемани кўриш амри-маҳол эди.

Қидирув группалари штабига ҳар минутда маълумотлар келиб турибди. Вертолётлар кема қўнадиган районга парвоз қиладилар. Улар Қарағандадан шимолга қараб йўл оладилар. Вертолёт учувчилари кема қўнадиган жойга, баллистиклар томонидан олдиндан мўлжаллаб қўйилган жойга бориш учун оператив группа орқали йўлни тўғрилаб оладилар. Ниҳоят, вертолёт салонида яшин тезлигида хабар тарқалди. Кимдир ҳаммадан олдин «кўряпман» деб қичқирди. «МИ-6» вертолётидаги кишиларнинг ҳаммаси:

— Азиз дўстлар, рахмат! Аъло даражадаги ишларингиз учун рахмат!— дейишди учувчилар космонавтларга. Улар кемадан очиқ космосга чиққан Алексей Елисеев билан Евгений Хруновни қизғин табриклайдилар.

Одамлар кема қўнган жойга ҳамма томондан югуриб кела бошлайди. Шу атрофда «Березняки» совхози бор. Пўстин ва пиймалар кийиб олган кексалар ва ёшлар самовий биродарларни табриклаш учун қорга ботиб, (трактор кема қўнадиган жойда қалин қорни бир текканда суриб борар эди) қаҳрамонлар сари югуриб келишади.

— Қаддидан йиғитлар ўзингизни қандай ҳис этмоқдасиз?— деган сўзлар эшитилади ҳамма томондан.

Е. Хрунов: — Жуда яхши.

А. Елисеев: — Жуда хурсандман. Бениҳоя бахтиёрман.

В. Шаталов: — Парвозимиз муваффақиятли ўтди. Аммо ҳозир асосий гап бунда эмас. Борисниинг ишлари қалай? Иллюминаторларга ёпишиб олиб, тикилиб қарашди. Қишки туман кўтарилган пайтда «Союз-4» кемаси заргалдоқ рангдаги парашют гумбази остида оҳиста чайқалиб Ер томон бир меъёрда туша бошлади.

Шу пайтда «МИ-4» вертолёти қидирув группаси билан бирга космонавтларни Ер устида кутар эди. Учувчилар иссиқ кийимлар кўтаришиб «ема томон югуришди. Улар космонавтларнинг курткаларидаги тугмаларни меҳр билан қадаб қўядилар, қулоқчинларни билан қулоқларини ўраб олишни маслаҳат кўрадилар. Қаҳрамонлар билан қучоқлашиб кўришдилар.

Барча совет космонавтларини кузатиб қолувчи ва кутиб олувчи спорт комиссари И. Г. Борисенко дўстларни муваффақият билан, космосдаги янги ютуқлар билан табриклайди. Дастлабки маълумотларга қараганда, икки космик кемаси туташган ҳолда рекордли узоқ вақт парвоз қилганлиги аниқланди. Бу муваффақият парвознинг ана шу тури бўйича Халқаро Авиация федерацияси рекордларида янги жадвал очади.

Унга: «Жуда яхши» деб жавоб берадилар. Борис Волинов ҳам Ер билан алоқа боғлаганда ҳар сафар «дўстларимнинг иши қалай?» деган савол билан гап бошлайди.

Аммо кечирим шамол кучая бо-

ради. Космонавтларни вертолётга таклиф қиладилар. Улар Қарағанда томон йўл олган вертолётнинг иссиқ салонида (Қарағандада уч баҳодирни «Чайка» меҳмонхонасининг шинам хоналари кутиб турибди) ниҳоят «Союз-5» кемасидан В. Шаталовга берилган космик почтани очиб кўрдилар. Космонавтлар Ерда кутиб олинган пайтда уларнинг кўлига янги газеталар берилган эди. Улар газеталарни заёқ билан кўздан кечириб, биринчи орбитал станциядан берилган хабарларни ўқидилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Г. КУДРЯВЦЕВА.
(ТАСС махсус мухбирлари).
Қарағанда.

ФАЗОКОРЛАРГА ОФАРИН!

«Космонавтга учмай бўларми!» — дейилади қўшиқда. Унтдаги суратда Борис Волинов парвозга чоғланмоқда.

В. Базанов фотоси.

Сарғиш парашют гумбази остида шамолда енгил тебраниб, уч фазокор қаҳрамонни ўз ичига олган «Союз-4» кемаси ерга яқинлашиб келди. Фазокорларни қидирув группасининг вакиллари, дўстлар, спортчи комиссарлар, журналистлар кутиб олдилар. Қизғин табриклар, қучоқлашиб кўришишлар, шодиёна хитоблар бошланди. Суратда: фазокорлар Е. Хрунов, В. Шаталов ва А. Елисеевлар ерга қўнгандан сўнг.

А. Пахомов фотоси, «ПРАВДА»дан.

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Космонавтлар Владимир Шаталов, Алексей Елисеев ва Евгений Хрунов парвоздан сўнг, бир оз дам олгач, анъанага мувофиқ журналистлар билан учрашадилар. Бугун мухбирларнинг берадиган саволлари гоят кўп. Чунки улар Ер атрофи орбитасида йиғилган жаҳонда биринчи экспериментал станция космонавтлари билан учрашишяпти.

Владимир Шаталовга биринчи саволни ТАСС мухбири берди.

— Кеманинг «эшиги» очилиб, старт чоғида сизни Байконурда кузатиб қолган космонавт дўстларингизни кўрганингизда қандай ҳисларни нечирдингиз.

— Биринчидан, бу учрашув бирданига бўлгани йўқ. Мен уларни бир неча кун кутган эдим. «Союз-5» орбитага чиқаётгандаёқ уларнинг овозларини эшитиб турган эдим. Шунга қарамай, мен «эшик тақиллатилганида» тасвир қилиб бўлмайдиган даражада қувонч тўла учрашув олдидан ҳатто «хуш келибсиз!» деган сўзларни шошилиб ёзиб, плакат ҳам тайёрлаб қўйгандим.

— Дўстларингиз Ердан Сизга нималар келтиришди?

— Газеталар, қавм-қариндошлар, бизни парвозга жўнатган старт командасидан хатлар келтиришди. Умуман бир қучоқ хат-хабар келтиришдики, парвоз вақтида уларни ўқиш кўзда тутилмаган эди. Буни «план-дан ташқари» қилишга тўғри келди.

Алексей Елисеевга бундай савол берилди:

— Кемадан очиқ космосга чиққан пайтингиздаги дастлабки таассуротларингизни айтиб берсангиз.

— Осмон қоп-қора, сарғиш Ернинг ярмини булут тўсиб олган. Ана шу манзарада космик кемалар ердагидан ҳам гоят кўркам бўлиб кетар экан. Мен уларни стендларда ҳам, завод цехларида ҳам кўрган эдим. Космик станциянинг оқлига кўзни қамаштирар даражада. Гермошлемдаги шўъла қучини қирқувчи ойналар ҳам унинг ярқироқлигини пасайтира олмади. Бизнинг станциямиз ҳатто жуда катта ер ва бепоён космос манзарасида ҳам жуда салобатли кўринади.

— Биз Борис Волинов очиқ космосга чиқаётган ўртоқларини кийинтиришга қандай кўмак бериб турганлигини телевизор орқали кўриб турдик. Улар «Союз-4» га киргач, қандай ечинишди?

— Программага мувофиқ.— деб жавоб беради Владимир Шаталов.—мен уларнинг ечинишларига ёрдам бердим. Орбитал бўлма анча кенг бўлса да, аммо ҳамма томонга учиб нетувчи кийим-кечакни саранжом қилиш осон эмасди.

Журналистлар «Союз-5» экипажининг аъзолари ўз командирлари Борис Волинов билан охирги сафар қачон гаплашганликлари билан қизиқадилар.

— Тормоз берувчи двигатель установкаси ишга тушганидан сўнг, у билан алоқада бўлдик,—деб ҳикоя қилади Евгений Хрунов, —унинг парвози яхши ўтишини тиладик. Бизга эса: «Диёримизга оҳистагина қўнинг! Ерда учрашгунимизча, хайр!»деган сўзларни айтди.

— «Союз-4» даги учрашувни қандай нишонладингиз?

— Ўнга ўтиб олганимиздан сўнг, дарров «эшёфат ясаб юбордик»; уч идиш қора қорагат шарбатини сипқордик.

— Владимир Александрович, кемалар туташтирилаётган чоғда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз. Бунақа иш биринчи марта қўл билан бажарилаётганди-ку.

— Кайфиятим жуда яхши бўлди. Машина изимидан чиқмаслиги мени айниқса қувонтирарди. Умрим бўйи бунақанги «қулоқ солдиган» аппаратни бошқарган эмасман.

— Космик станцияни бошқариш қийинроқдир?

— Йўқ, ундай эмас. Якка кема сингари орбитал станция ҳам берган командаларимизнинг ҳаммасини аниқ бажарди.

— Сиз учун парвознинг қайси пайти энг таассуротли бўлди? — деб сўраймиз Алексей Елисеевдан.

— Кема дарчасидан «Союз-4»ни кўрган чоғим.

— «Союз-5» дарчасидан кўрганимда мен ҳам қувониб кетдим, — дейди Владимир Шаталов. — Лекин асбоблар кемалар мустаҳкам туташтирилганлигини кўрсатган дамлар менда айниқса кўпроқ таассурот қолдирди.

— Космодромда старт олдидан «Союз-5» космик кемасига кирган пайтимда бошим кўкка етган эди, — деди Евгений Хрунов.

Журналистлар орбитал космик станцияда ишлаш шароитлари билан қизиқадилар.

— Тўғрисини айтсак, ундаги шарт-шароитлар жуда қулай эди. Масалан, орбитал бўлмада киши бир-бирига ҳалақит бермай, ишлаши ҳам, ҳордиқ чиқариши ҳам қулай. Умуман олганда у Ер атрофи орбитасида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аъло даражадаги шарт-шароитлар вужудга келтирилган ажойиб кемадир.

— Вазнсизлик ҳолати тўғрисида нималарни айтиб беришингиз мумкин? Уни Ердаги қандай сезги билан таққослаш бўлади?

В. Шаталов:

— Жуда ажойиб ҳолат. Назаримда уни ҳозир ҳам сезиб тургандайман. Худди мана бу микрофонни ушлаб турмасам, барор ёққа қийшайиб кетаётгандек.

А. Елисеев:

— Кишини хурсанд қиладиган ҳолат десам бўлади. Масалан, орбитал бўлмага кирасиз. У ерда ҳеч ким йўқ. Бир вақт қарасангиз — Женя шипда бирор ажойиб ҳолатда «ўтириб олиб» зўр бериб ишлаётганига кўзингиз тушади.

Е. Хрунов:

— Физиология нуқтаи назаридан олганимда уни Ердаги бирон сезгига қиёслай олмайман. Киши ганаси гоят енгил бўлиб кетганлиги ҳайратда қолдиради. Ишонаманки, вазнсизлик ҳолатида туриб, ҳар қандай мутахассис учун идеал даражадаги иш столи вужудга келтириш мумкин.

Евгений Хруновдан сўраймиз:

— Экипаж бўш вақтларда нималар билан шуғулланди?

— Бўш вақтнинг ўзи йўқ эди. Ҳатто биз ухлашимиз керак бўлган пайтлардан бир неча «киши соат» ҳам узиб олгандек эдик.

— Қандай ухладингиз?

— Яхши ухладик.

— Қаерларда?

— Биримиз креслода, иккинчимиз — орбитал бўлмада ухладик. Масалан, мен «Союз-5» дивани да ухладим. Тунни эса бошқа кемадаги креслода ўтказдим.

— Таққослаш учун турлича жойланиш вариантларини синаб кўрдик,— дейди Шаталов: — Бизнинг «уй-жой саҳнимиз» етарлича эди. Бўлмаларда диван ҳам, ухлаш қоплари ҳам бор. Улар иссиқ, ёпиб маза қиламиз. Энг муҳими эса киши ҳеч қаёққа тушиб кетмайди.

— Космосда хат-хабар ва газета олиш ёқимли бўлгандир,— деб сўраймиз Шаталовдан.

— Ҳа, бу кутилмаган ва ажойиб иш бўлди. Газеталарни ўқиб чиқишга улгуролмадик. Ерга қайтиб борганимизда ўқирмиз, деб олиб қўйдик. Шундай бўлса-да, «Правда» ва «Известия» газеталарига дастхатларимизни қўйишга улгуролдик: уларга 16 январь санасини ёзиб қўйдик.

— Космосга келгусида қилинадиган парвозлар нуқтаи назаридан ҳозирги парвозингизга қандай баҳо берасиз? — деган умумий савол билан космонавтларга мурожаат қиламиз.

Бу саволга биринчи бўлиб Владимир Шаталов жавоб беради:

— Бизнинг парвозимиз янада такомиллашган ва хилма-хил эксперименталр йўлини очиб берса керак. Келажак узоқ муддатли парвозларники бўлади. Масалан, биз ҳамиша вақт етишмаслигини сезиб турдик. Ҳолбуки тадқиқотчининг жуда кўп нарсани билгиси, кўргиси ва уларнинг натижаларини ерга олгиси келади. Биз шошилдик, очигини айтсак, ҳатто уйқуни ҳам қисқартдик.

Албатта келажак бир неча кемалардан қурилган орбитал станциялар, катта-катта орбитал объектларники бўлади. Ҳар сафар бундай станцияни Ерга қўндириб ўтиришнинг фойдаси йўқ,— дейди Шаталов, станция парвозида давом этаверса экипажни орбитада вақти-вақти билан ўзгартириб туриш имконияти туғилади. Ҳозир америкалик фантастик қиссалар ёзувчининг «Орбита асирлигида» деган китоби ёдимга тушди. Ўша китобда тасвирланганидек, фалокатга учраган кемага ёрдам бериши ҳам ҳозирги программада асосланган фикр ердамида амалга ошириш мумкин.

Космонавтларга парвоз охирида қайси ҳиссиётингиз: Ерга қайтиш хурсандчилиги устун келдими ёки орбита ва шундай ажойиб кема билан хайрлашиш хомушлиги устун келдими, деган анча мураккаб савол берилади.

Бунга космонавтлар қуйидагича жавоб қилдилар:

В. Шаталов:

— Тўғрисини айтсам хомушлигим зўрроқ эди. Зу парвозга ерда озмунча тайёрланишдими, топшириқ бутун программа бўйича қайта-қайта ишлаб чиқилди, энди бўлса орбитадаги биринчи станция билан хайрлашиляпти, деб ўйлардим.

Е. Хрунов:

— Мен парвоз якунларидан мамнун бўлиш ҳиссидан ортиқроқ ҳисни бошдан кечирмадим.

А. Елисеев:

— Бу саволга жавоб беришим қийин. Бутун парвоз пайтида менда бундай фикрлар бўлмади чоғи. Парашют билан равон тушиш бошланганидагина назаримда бутун умр тайёрланган иш бу қадар қаддан ташқари тез ҳал бўлганлик ҳиссиёти туғилди. Бир вақт Женя Хрунов: «Қараганда кўрнинятти!» деб қолганида бу ҳиссиёт мени айниқса чулғаб олди. Биз фабрика мўриларидан чиқаётган тутунларни, темир йўлни, электр симларини кўрдиг-у, «белгиланган нуқтага» тўғри бораётганлигимизни билдик. Шундан кейин ўйлаб ўтиришга фурсат қолмади, бизни дўстлар қучоқлаб олишган эди.

Космонавтлардан келгусидаги режалари ҳақида сўрашади.

В. Шаталов:

— Янгидан-янги парвозлар қилишимизни, бундай парвозлар тез-тез бўлиб туришин истайман. Бизда космик фазони тадқиқ этишнинг турли программаларини бажариш мумкин бўладиган яхши кема бор.

Е. Хрунов:

— Биринчи режам парвоз якунидан бемалол вазиятда ҳисобот беришдир.

А. Елисеев:

— Албатта, биринчи истак космик парвозда яна қатнашишдан иборатдир. Масалан, орбитада ишни давом эттиришни, кемадан ташқарига чиқиб ва бундан ҳам хилма-хилроқ программа билан ишлашни жуда хоҳлардим.

* * *

Космонавтлар Қараганда аҳолиси, журналистлар билан қизғин хайрлашиб, врачлар ҳамроҳлигида Байконур космодромига қараб учиб кетадилар.

Г. КУДРЯВЦЕВА,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ.
(ТАСС махсус мухбирлари).
Қараганда, 17 январь.

«СОЮЗ-4» КЕМАСИНИНГ ЕРГА ҚЎНИШ РАЙОНИДА БЎЛГАН УЧРАШУВ

БИРИНЧИ ОРБИТАЛ СТАНЦИЯ!

Мисли кўрилмаган эксперимент—икки космик кемани туташтириш ва космонавтларнинг бир кемадан иккинчи кемага ўтиши космич фазони ўзлаштириш тарихига ёрқин саҳифа бўлиб киради. Икки совет тадқиқотчиси очиқ космосда олтмиш минут бўлиб, илмий ишларни программага мувофиқ олиб борди. Инсоният биринчи орбитал космик станция ишлаб турганлигини биринчи марта телеэкраннинг ёрдами билан кўриб билди. Совет фанининг космик фазони ўзлаштириш соҳасидаги янги муваффақияти ажойиб воқеаларнинг яна бири бўлиб, бутун совет халқини чексиз қувонтиради.

Институтимизнинг ҳамма профессорлари ва ўқитувчилари номидан «Союз-4» ва «Союз-5» кемалари экипажларини биргаликда уюштирган экспериментнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан қутлайман.

ҲАЛИМЗОДА,

Бухоро давлат педагогика институти физика-математика факультетининг декани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

* * *

„Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг биргаликда ўтказган жуда катта экспериментини самодаги мўъжиза деб аташ мумкин. Бу кемаларнинг аниқ туташтирилиши, жаҳонда биринчи космик станциянинг вужудга келтирилиши, космонавтларнинг бир кемадан иккинчи кемага ўтиши, уларнинг космосда қилган ишлари ва кемаларнинг бир-биридан ажратиб юборилганлиги—космосни ўзлаштириш соҳасидаги янги қадамдир. Бу—совет фани ва техникасининг катта муваффақиятларга эришганлигини исбот қилади. Космик кемаларни яратишда қатнашган олимларимиз, техникларимиз, инженерларимиз ва ишчиларимизни ажойиб муваффақият билан қизғин табриклайман.

Г. МУРСАЛИМОВА,

физика-математика фанлари кандидати, Фарғона педагогика институтининг доценти.

ОДАМ ВА АВТОМАТЛАР

16 январда «Союз-4» космик кемаси билан «Союз-5» космик кемаси қўлда муваффақиятли туташтирилди. Бу воқеа Владимир Шаталов бошқараётган кема ер атрофини 34-марта айланиб чиқаётган вақтда содир бўлди. Соат 10 дан 37 минут ўтганда кемаларни автоматик равишда бир-бирига яқинлаштириш бошланди, орадан 43 минут ўтгандан кейин эса — соат 11-20 минутда кемалар бир-бирига маҳкам жипслашиб бўлди. Кемаларнинг бир-бирига яқинлаштирилиши ва туташтирилиши сиртқи телевизион камералар ёрдамида ерга кўрсатиб турилди.

ТАСС мухбири бу воқеани шарҳлаб беришни сўраб, СССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» комплекс проблемаси билан шуғулланувчи илмий кенгаши раиси академик **А. И. Берг**га мурожаат қилди.

— Космик аппаратларни туташтириш, деди олим, орбитада иш олиб борувчи тадқиқот станциялари яратиш йўлидаги муқаррар босқичдир. Кемаларни туташтириш орбитада учрашишнинг якуновчи босқичи бўлиб, битта космик аппаратнинг бир-бири билан маҳкам боғланишини вужудга келтиради. Бу иш яхшилаб машқ қилинмаса ва уни бажариш усуллара эгаллаб-олинмаса юкларни орбиталдаги космик станцияларга элтиб қўйиш, шу станцияларнинг ходимларини алмаштириш, ремонт ишларини ўтказиш ва шу кабиларни бажариш мумкин бўлмай қолади.

Иккала аппаратни бир-бирига яқин орбиталарга кетма-кет чиқариб қўйиш иккита космик объектни бир-бирига яқинлаштиришнинг бажарилиши энг осон бўлган усулидир. Шунинг учун ҳам «Союз-4» космик кемаси билан «Союз-5» космик кемаси мана шундай орбиталарга чиқариб қўйилди. Лекин шундай бўлса ҳам Владимир Шаталов билан Борис Волиновнинг космосда маневр ўтказишларига тўғри келди.

Яқинлаштириш маневрининг космосдаги бошқа операциялардан фарқи шуки, бундай яқинлаштириш чоғида икки ўртадаги масофа ва тезлик нисбатан камроқ бўлади, агар яқинлашиш тезлиги туташиш пайтида жуда катта бўлса, туташаётган аппаратларнинг бир-бирига урилиб шикастланиши мумкин. Бу маневрни ўтказадиган ҳаракатлантирувчи установка яқинлашиш тезлигининг ончалик катта бўлмаслигини таъминлаб туриши лозим. «Союз-4» билан «Союз-5» орада 100 метр масофа қолгунча автоматик равишда бир-бирига яқинлашиб келаверди. шундан сўнг В. А. Шаталов кемани қўл билан бошқаришга киришди. Телевидение орқали сиз кемаларнинг бир-бирига яқинлашуви ва ёндошуви ишчанлик вазиятида, ҳатто айтишим мумкинки, «одатдаги вазиятда» ўтганлигини кўриб ва эшитиб турдингиз. Кема бортидаги аппаратлар ҳуҳ ишлаганлиги бунга таъминлади. Системаларнинг ҳаммаси ниҳоят даражада аниқ ишлаб турди. Шаталов билан Волиновнинг овозларини баланд чиқармай бир-бирлари билан осойишта гаплашиб турганликлари бунга яққол далил бўла олади. Уларнинг «олислиги 25», «тезлиги 0,25», «бир-бирига тегишини кутяпмиз», «ҳаммаси жойида» деган сўзлари эсингизда бўлса керак.

Бир-бирига туташтирилаётган «Союз-4» аппарати билан «Союз-5» аппаратининг биргаликдаги ҳаракати силлиқ ўтди. кемаларни бир-бирига узилкесил бирлаштириш ҳам мана шундай пухта ўтказилди. Кемалар бир-бирига ёндошганидан кейин улар бир-бирига боғланди. бир-бирига қаттиқ ёпиштирилиб электр симлари ҳам туташтирилди. Қулфлар ишга солиниб, икки объект бир-бирига туташтирилгач, улар бир-бирига маҳкам ёпишиб олган системага айланди. Ер йўлдоши орбитасида шу тариқа экспериментал космик станция вужудга келтирилди ва ишлай бошлади.

Бу—орбитада хилма-хил космик станциялар вужудга келтиришга йўл очиб берган биринчи қадамдирмоқ бўлди. Бундай станцияларнинг аҳамияти жуда катта. Бевосита космик станцияда ишловчи одам космик фазони тадқиқ қилишга доир хилма-хил вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши мумкин. Бундай станцияларда олимлар астрономия ва қуёш физикаси соҳасида тадқиқотлар олиб бора оладилар. Бу станцияларда ерни қоплаб турган булут қатламларини метеорологик кузатиш ишларини, океанографик тадқиқотларни ўтказиш ер юзасининг харитасини чизиш, геологик кидириш ишларини ўтказиш мумкин.

Космосда ўтказилаётган экспериментнинг бу янги босқичи «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг ўзаро ишлашини, ҳамма ишлар ва техникасининг ишлаш ҳолатини, ҳамма ишлаш ҳолатини, ҳамма ишлаш ҳолатини, ҳамма

ЎЛМАС СИЙМОЛАР

Тошкентда оқгвардиячи-контрреволюцион қўзғолон бостирилганига 50 йил тўлиши муносабати билан

В. Д. ВОТИНЦЕВ.

В. Д. ФИГЕЛЬСКИЙ.

Н. В. ШУМИЛОВ.

А. Н. МАЛКОВ

А. Я. ПЕРШИН.

И. П. ФОМЕНКО.

М. С. КАЧУРИНЕР.

1919 йил январь ойида чет эл империалистлари ва ички контрреволюция томонидан Тошкент шаҳрида Советларга қарши уюштирилган қўзғолон тор-мор этилганига бугун 50 йил тўлди. Бу қўзғолон пайтида халқимизнинг ва Коммунистик партиянинг асл фарзандлари — коммунизм иши учун, буюк Ленин иши учун оташин курашчилар — туркистонлик 14 комиссар ҳалок бўлди.

Улар ўзларининг бутун ҳаёти ва фаолиятини ўз халқига хизмат қилишга бағишладилар. Улар буюк социалистик революцияни амалга оширган ва унинг ғалабаларини босқинчилар, оқ гвардиячилар ва Совет ҳукуматининг бошқа душманларига қарши аёвсиз курашларда ҳимоя қилиб қолган қаҳрамон авлод кишилари эдилар. Улар мисли кўрилмаган жасорат, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини намойиш қилдилар. Тошкентдаги қўзғолонни бостиришда шаҳарнинг ишчилар синфи алоҳида онглилик, уюшқоқлик ва бирдамлик кўрсатди.

* * *

Октябрь революцияси ғалабаси туфайли Шарқда озодлик тонги отди. Революция Россиянинг барча халқлари каби Ўзбекистон халқлари учун ҳам янги давр, социализм ва коммунизм қурилиши даври, экономика ва маданиятнинг жаҳон тарихида мисли кўрилмаган гуллаб-яшнаш даврини очиб берди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин пролетариат диктатурасини мустаҳкамлашга қаратилган қатор иқтисодий, сиёсий ва маданий характердаги тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларни хусусан Туркистонда амалга ошириш борасида В. Д. Вотинцев, Н. В. Шумилов, А. Я. Першин, О. Бобожонов, М. Мирҳодиев, Н. Ҳўжаев, В. Д. Фигельский, М. С. Качуринер, М. Миршаропов, В. Н. Финкельштейн ва бошқа большевикларнинг роли айниқса каттадир. Улар ленинча миллий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш учун иш олиб бордилар. Ленинча миллий сиёсатнинг асосий принциплари 1917 йилнинг ноябрида эълон қилинган «Россия халқларининг ҳуқуқи Декларацияси»да баён этилган эди. Декларация халқни пролетар интернационализми, миллатларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги руҳида тарбиялади.

Партия ва унинг доҳийси В. И. Ленин кўрсатмаларини амалга ошира бориб, Туркистон Советларининг V съезди 1918 йилнинг ўртасида Туркистон Автоном Совет Республикаси ташкил этилганини эълон қилди. I Ўлка партия съездида Туркистоннинг ягона Коммунистик партияси расмий равишда ташкил этилди. У РКП(б)нинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ўша съездда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети В. Д. Вотинцев, М. Троицкий, Н. Ҳўжаев ва бошқалардан иборат составда сайланди.

Бу воқеа қисқа муддат ичида эришилган ажойиб ютуқларга якун ясади. Айни пайтда у Туркистонда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ниятида ўз кучларини бирлаштираётган ички ва ташқи контрреволюцияни даргазаб қилмасдан қолмади. Америка ва Англия империалистлари Совет ҳокимиятини ҳали йўргакдалигидаёқ бўғиб ташлаш учун уриниб, 1917 йилнинг охири ва 1918 йилнинг бошларида қатор аксилинқилобий қўзғолонлар уюштирдилар. Лекин булар ҳеч қандай муваффақият қозона олмади. Бироқ, империалистлар Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ниятидан қайтмаган эдилар ва унга қарши янги-янги ҳужумлар тайёрлай бошладилар.

1918 йилнинг ёзида ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши бошланиб кетди. Туркистон ҳам фронтлар халқасига ўралиб қолди. Фарғона водийсида босмачилар, Закаспийда, Еттисувда ва Оренбургда оқгвардиячилар ҳаракат қилишарди. Шу сабабдан Туркистон РСФСР дан ажралиб қолган ва унинг сиёсий ҳамда иқтисодий аҳволи тобора ёмонлаша бошлаган эди. Бундан фойдаланган ички аксилинқилобчилар Америка ва Англия империалистларининг ёрдамига таяниб, Туркистоннинг турли шаҳарларида аксилинқилобий қўзғолонлар тайёрлашга киришдилар. Тошкент Советларга қарши хуружлар — чет эл разведкаси ва ички контрреволюциянинг маркази қилиб белгиланган эди. Ҳали 1918 йилнинг баҳорида Туркистон ҳарбий ташкилоти ташкил қилиниб, у Англия ва Америка воситалари ҳамда резидентлари ёрдамида қўзғолонга тайёргарлик ишига раҳбарлик қилди. Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида Америка ва Англия империалистларининг жосуслари Бейли, Блеккер, Маккартин, Трэдуэлл ва бошқалар фаолиятини кучайтириб юборишди.

1918 йилнинг кузида Совет ҳокимияти душманларининг аксилинқилобий ҳаракатлари сезиларли даражада кучайиб қолди. Аксилинқилобий унсурларнинг активлашганлиги муносабати билан Туркистон республикасининг ҳукумати ўлка мудофаа қувватини мустаҳкамлаш юзасидан қатор ҳарбий ва иқтисодий тадбирларни амалга оширди. 1918 йилнинг октябрида мудофаага раҳбарликни кучайтириш учун олий ҳарбий-сиёсий орган — республикани мудофаа қилиш бўйича Олий ҳарбий коллегия тузилди. Унга В. Д. Фигельский раис қилиб тайинланди. Шунингдек, контрреволюцияга қарши кураш бўйича Фавқулодда комиссияси ва унинг жойларда органлари ташкил этилди.

Туркистондаги аҳволни РКП(б) Марказий Комитети ва шахсан В. И. Ленин эътибор билан кузатиб, партия ва совет ходимларига қимматли маслаҳат ва кўрсатмалар бериб турдилар. Жумладан, 1918 йилнинг августида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Раиси номига йўллаган телеграммасида В. И. Ленин «Элчилар ва консулларга нисбатан шошмашошарлик қилмасликни маслаҳат берамиз, улар уч баравар кўпроқ назорат остига олинсин ва улар билан мулоқотда бўладиган шубҳали шахслар қамоққа олинсин» деб ёзган эди. В. И. Ленининг ва партия Марказий Комитетининг кўрсатмаларига биноан Туркистон ҳукумати Трэдуэлли ва бошқа чет эл вакилларини уй ҳибсига олди ва Фавқулодда қидирув комиссияси чет эл разведкалари жосусларини фош қилиш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширди. Тўғри, эсерлар ва меньшевиклар ёрдамида уларнинг айримлари қамоқдан қутулиб кетишди. Жумладан Трэдуэлл Тошкентдан кетишга, Бейли эса яширинишга муваффақ бўлди.

1918 йилнинг охирида Туркистон ҳарбий ташкилоти ва бошқа яширин ташкилотлар «Вақтли комитет» раҳбарлигида бирлашиб, Туркистонда аксилинқилобий қўзғолонларни тайёрлаш билан шуғуллана бошлади. Тошкентда бу вазифани Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари лавозимини эгаллаб турган, аслида Совет ҳокимиятининг хоини, партия сафларига алдамчилик билан кириб олган Осипов шуғуллана бошлади. Комитет кўпгина шаҳарларга ўз вакилларини жўнатди. Дастлабки план бўйича Тошкентдаги қўзғолон 1919 йилнинг марти ёки апрелида бўлиши лозим эди. Бироқ, қўзғолончилар тайёрланаётган қўзғолон ҳақидаги маълумотлар Фавқулодда қидирув комиссиясига маълум бўлиб қолганини билганларидан кейин қўзғолонни 1919 йилнинг январида ўтказишга қарор қилдилар. «Вақтли комитет» Туркистоннинг қатор шаҳарларида қўзғолон кўтаришга қаратилган планини тўла амалга ошира олмади. Бунга республиканинг партия ва совет органлари ўз вақтида амалга оширган тадбирлар тўсқинлик қилган эди. Қўзғолончилар фақат Тошкент шаҳридагина бош кўтаришга муваффақ бўлдилар. Шаҳарнинг ҳарбий қисмларида Советларга қарши унсурлар уларга таянч вазифасини ўтаган эди.

Қўзғолон 1919 йилнинг 19 январига ўтар кечаси бошланди. Эрта тонгда қўзғолончилар қалъа, қизилгвардия штаби ва партия дружинаси штаби ўртасидаги телефон симларини узиб, қалъани эгаллашга уринган эдилар. Бироқ, большевик Белов бошчилигидаги қалъа гарнизони уларга кескин зарба берди.

Қўзғолон бошлаб Туркистон ва шаҳар партия ҳамда совет ташкилотларини раҳбарлардан ажратиб қўйиш мақсадида Осипов ҳукумат аъзоларини мавжуд аҳволни «уламочилар» ва бошқа аксилинқилобчилар эски тузумни тиклашга чақиришар ва бу ерда «Вақтли ҳукумат» ташкил этишга шошилишарди. Аксилинқилобчилар шаҳар аҳолисини Совет ҳокимиятига қарши гиж-гижлашга, осиповчиларга ёрдам отрядлари ташкил этишга ҳар тарафлама уринишди. Бироқ, улар бунга муваффақ бўла олмадилар.

Ана шундай оғир пайтда шаҳар большевиклари аҳоли орасида мавжуд аҳволни тўғри тушунтира бошладилар, халқ ҳокимиятига қарши қўзғолоннинг ҳақиқий сабаблари ва мақсадларини очиб ташлай бошладилар. Улар меҳнаткашларни ишчилар синфининг умумий душманига қарши курашга чақирдилар. Қисқа вақт ичидаёқ ишчилар ва камбағалларнинг асосий қисмини қўзғолончиларга ва уларнинг тарафдорларига қарши курашга сафарбар этиш ва уюштиришга муваффақ бўлдилар.

А. Казаков, Д. Манжара, С. Рубцов, Н. Ҳўжаев, П. Илёсов, М. Миршаропов бошлиқ Тошкент большевиклари оммани қўзғолончиларга қарши зарба бериш учун дадиллик билан олга бошладилар. Қўзғолоннинг дастлабки кунидаёқ улар темир йўл устахоналарида ишчиларни йиғилишга тўплашга муваффақ бўлдилар. Бу йиғилишда 1500 дан кўпроқ киши иштирок этди. Большевиклар йиғилиш қатнашчиларига Туркистон комиссарлари отиб ташланганини айтиб беришди, аҳолини қўзғолончиларга қарши курашга отланишга чақиришди. Худди шундай йиғилиш Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ҳам бўлиб ўтди. У маҳаллий большевиклар Х. Тўраев, О. Бобожонов, А. Толипов, С. Қосимхўжаев ва бошқаларнинг ташаббуси билан эски шаҳардаги касаба союз аъзолари иштирокида чақирилган эди. Бу йиғилишдан кейин осиповчиларга қарши курашиш ва эски шаҳарда революцион тартибни ҳимоя қилиш учун кўнгиллилардан иккита отряд тузилди. Бу отрядлардан бири шу куниёқ янги шаҳар меҳнаткашларига ёрдамга жўнади. Бундан ташқари янги шаҳардаги ишчиларни қўллаб-қувватлаш учун Н. Ҳўжаев ва М. Миршаропов бошлиқ эски шаҳар партия дружинаси ҳам бу ерга келган эди.

Эски шаҳар ва янги шаҳар меҳнаткашларининг биргаликдаги ҳаракати муваффақиятли якунланди — қизил армиячилар ва ишчилар отрядлари қўзғолончиларнинг қаршилигини енгиб, 20 январь куни эрталаб ҳужумга ўтдилар. Ўша куни бутун кун давомида шаҳарнинг деярли ҳар бир таянч пункти учун шиддатли жанг олиб борилди. Натижада қўзғолончилар 21 январь кунининг ярмида бутунлай тор-мор қилинди ва шаҳар тўла тозаланди. Осипов Чимкент

(Охири 4-бетда).

Е. П. ДУБИЦКИЙ.

В. Н. ФИНКЛЬШТЕЙН.


М. ТРОИЦКИЙ.

А. В. ЧЕРВЯКОВ.

Д. Г. ШПИЛЬКОВ.


Г. И. ЛУГИН.


С. П. ГОРДЕЕВ.

ТОШКЕНТ ПРОЛЕТАРИАТИНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

ТЎРКИСТОН КОМИССАРИ

Туркистоннинг биринчи маориф халқ комиссари Василий Павлович Билик Тошкентда аксилинқилобий қўзғолон пайтида оқгвардиячи-эсерлар ўқидан қутулиб қолди. Кейинчалик у ТуркЦИКнинг раиси Назир Тўрақулов, жасур чекист ва давлат арбоби Раҳимжон Раҳимбобоевлар билан бирга ишлади.

Василий Павлович серташвиш ёшлигини эсларкан, ўша оловли йиллар ҳақида зўр хаяжон билан ҳикоя қилади...

Казалинскдаги назарма совуқ ва қўримсиз бўлиб, худди турмани эслатарди. Бурчакда хипчагина одамнинг қиёфаси кўринди.

— Прапор келяпти!

Бундан бир дақиқа илгари ўзаро мусоҳабалашиб ўтирган солдатлар жимиб қолишди. Улардан бири, кўзойнакли ориқ-қинаси газетани буклаб, чўнтагига солди.

— Нима билан шуғулланяпсизлар? — остонадан бақирди офицер.

— Ўша отиш қисмидан берган вазифангизни бажаряпмиз. Мана натижаси,

— Бунинг дастлабки ҳисоблари қани, ғалварслар, — офицер янада қучлироқ бақирди.

— Биз хомаки ҳисобсиз ечиб қўяқолдик...

Офицер ҳаммамизни дўқ-пўписа билан қўрқитмоқчи бўлиб «Сизларни фронтга аллақачон жўнатиш керак эди», деб чиқиб кетди...

Шундай бўлдики, хотин-қизлар гимназиясининг собиқ ўқитувчиси, Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Д. Фигельский билан москвалик В. П. Билик бир полкка хизматга чақирилди. Бу полк ҳарбий бошлиқларда уччалик яхши таассурот қолдирмаган эди. Фигельский, Билик ва бошқа солдатлар Ленининг китобларини ўқишар, Маорифчилар қанчадан-қанча болаларни ажал сиртмоғидан тортиб олишди. Ахир, улар очлик ва касалликдан бошқаларга қараганда кўпроқ азоб тортишарди. Бутун-бутун эшелонларда болалар Туркистонга олиб келиларди. Билик халқ маорифининг бошқа ходимлари билан биргаликда ўша болаларни қабул қилиб олар, уларни интернатларга ва хонадонларга жойлаштирарди.

Гражданлар уруши йилларида Василий Павлович Ички ишлар комиссари, ТуркЦИК фавқулодда комиссиясининг аъзоси бўлиб ишлади. Фарғонада босмачиларни тугатишда қатнашди.

Василий Павлович бир вақтлар олим бўлишни истаган эди. Бироқ, у революционер, партия ва совет ходими бўлиб қолди. Уни Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитетининг раиси қилиб сайладилар. Лекин Василий Павлович орзусини тарк этмади. У анчагача кон академиясида ва педагогика институтида кафедраларга бошчилик қилди.

Бугун партия ветерани Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги воқеалар ҳақидаги эсдаликларини, хусусан Самарқандда ва Ўзбекистоннинг бошқа жойларида олиб борган ишлари ҳақидаги хотираларини қоғозга туширмоқда. «Кенса туркистонлик» (ўртоқлари ҳазиллашиб уни шундай деб аташади), олдига тез-тез ёш тарихчилар ва студентлар маслаҳат, йўл-йўриқ сўраб келиб туришади.

— Уларга жон-дилдан ёрдам бераман, — дейди Василий Павлович. — Ишлар бизнинг қаҳрамонона давримиз тўғрисида, революция машъали билан нурафшон бўлган давримиз тўғрисида кўпроқ парса билиб олишини истайман.

Ҳа, Василий Павлович Биликнинг, афсонавий комиссаларсафдошининг ҳаёти ҳам ана шу Улуғ Октябрь социалистик революциясининг машъалидан нур эмган. У Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги муносабати билан ҳукуматимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланган экан, бу ўша давр жасорати учун, туркистонлик комиссарнинг шонли йўли учун берилган мукофотдир.

Ан. ЕСИН.

ХАЛҚИМИЗ БАХТИНИ ДЕБ...

Тошкентдаги Вокзалолди майдонидан ўтганингизда улкан монументга бир нигоҳ ташламай иложингиз йўқ. Бу монументнинг жуда ҳам дид билан тайёрланганидан ёки унинг муаллифлари ана шу иодир санъат асарининг ечимини ниҳоясига етказиб ишлаганликлари учунгина эмас, албатта.

Вокзалолди майдонидан ўтган кишининг бу улкан ёдгорлик олдида бир оз тўхтаб қолишининг бошқа боиси бор: бировлар яхшилик қилган одамни бир умр унутмасликка аҳд қилади, бировлар энг азиз кишиларни вафот этгандан кейин ҳам бир оғиз яхши сўз билан эслашга одатланган. Бугун Вокзалолди майдонидан ўтаркамиз, биз ҳам ана шу улкан монументда акс этган сиймоларни хотирлаймиз, уларнинг биз совет кишилари учун қилган яхшиликларини кўз олдимизга келтиришга уринамиз.

Ҳўш, улар кимлар?

Танишинг:

В. Д. ВОТИНЦЕВ — 1911 йилдан партия аъзоси, Петроградда Октябрь революциясининг ва Туркистонда гражданлар урушининг қатнашчиси, ўзи Ўзбекистонда туғилиб ўсган, 1917 йилнинг декабридан Туркистон республикасида масъул лавозимларда ишлайди. 1918 йил ноябрь ойида ТуркЦИК раиси қилиб сайланади;

В. Д. ФИГЕЛЬСКИЙ — Самарқанд шаҳрида большевиклар ташкилотининг раҳбарларидан бири, 1917—1918 йилларда шаҳар атрофида оқ казаклар авантюрасини бостиришда актив иштирок этади, 1918 йил ёзида Самарқанд область Советининг раиси, октябрда эса Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раиси қилиб сайланади;

Н. В. ШУМИЛОВ — 1904 йилдан партия аъзоси, Уралда 1905—1907 йиллардаги революция, Октябрь революцияси ва Туркистонда гражданлар урушининг қатнашчиси, ўлка большевикларининг таниқли раҳбарларидан бири, 1917 йили дастлаб революцион Тошкент Совети ижроия комитетининг аъзоси. Октябрдан кейин Туркистон республикаси Ўйдлар халқ комиссарининг ўринбосари, 1918 йил ёзидан Туркреспублика ҳарбий-сиёсий штабининг аъзоси, ноябрь ойидан эса Тошкент Советининг раиси бўлиб ишлаган;

А. Н. МАЛКОВ (МАЛКОФ) — Туркистон республикаси иинг давлат арбоби, 1917 йили Қўқон Советида, 1918 йилдан ТуркЦИК секретари лавозимида ишлаган, у «Новый Туркестан» ва «Свободный Туркестан» газеталарига муҳаррирлик қилган, 1918 йил октябрида партия уни Туркреспублика ички ва ташқи ишлар халқ комиссари, Халқ Комиссарлари Советининг ишлар бошқарувчиси каби масъулиятли вазифалар га юборади. бир оз вақт Халқ Комиссарлари Советининг Раиси вазифасини ҳам бажарган;

А. Я. ПЕРШИН — 1894 йилдан бошлаб Россияда революцион ҳаракат қатнашчиси, Туркистонда биринчи Қизил Гвардия отрядлари ташкилотчиси, Октябрдан кейин Туркреспублика ва Туркистон Компартиясининг таниқли арбобларидан бири, озиқ-овқат масалалари бўйича халқ комиссари;

И. П. ФОМЕНКО — Туркистон Фавқулодда қидирув комиссиясининг раиси;

М. С. КАЧУРИНЕР — истеъдодли журналист ва лектор, касаба союзлари Тошкент Советининг раиси;

Е. П. ДУБИЦКИЙ — Туркистон республикаси ўйлар халқ комиссари;

В. Н. ФИНКЕЛЬШТЕЙН — Туркисточ республикасини мудофаа қилишнинг таниқли ташкилотчиларидан бири;

М. ТРОИЦКИЙ — 1903 йилдан партия аъзоси, оташин журналист;

А. В. ЧЕРВЯКОВ — Туркистон республикаси Фавқулодда дала судининг раиси;

Д. Г. ШПИЛЬКОВ — Тошкент янги шаҳар партия дружинасининг раҳбари;

Г. И. ЛУГИН — Тошкент Советининг депутати, ТуркЦИК аъзоси, шаҳар мудофаси бошлиғининг ёрдамчиси;

С. П. ГОРДЕЕВ — Туркистонда тинқувчилик саноатининг ташкилотчиларидан бири, 1919 йил январда партия дружинасига бошчилик қилган, Тошкент Совети ижроиоми ва Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси.

Хуллас, ҳамма-ҳаммаси ўлкамизда Октябрь ғалабаларини мудофаа қилиш, келгуси авлод учун порлоқ ҳаёт қуриш учун жон қуйдирган кишилар.

ТОШКЕНТДА ОҚГВАРДИЯНИ КОНТРРЕВОЛЮЦИОН ҚЎЗҒОЛОН ВОСТИРИЛГАНИГА 50 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН



Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

В. И. ЛЕНИН.

РЕВОЛЮЦИЯ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шу кунларда оқгвардиячилар Тошкентда уюштирган Советларга қарши контрреволюцион исён бостирилганлигининг эллик йиллигини нишонламоқдалар.

Корхона, муассаса ва ўқув юртлари коллективларининг вакиллари 18 январда вокзал олдидаги майдонга тўпландилар. Бу ерда, 14 Туркистон комиссари ёдгорлиги олдида Тошкентдаги контрреволюцион исён тор-мор қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган умумшаҳар митинги бўлди.

Митингда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов нутқ сўзлаб, ишчи отрядлари ўша вақтда нечоғли мураккаб ва оғир вазиятда контрреволюцияга қарши курашганликлари ҳақида, уларнинг матонати ва мардлиги тўғрисида гапириб берди. Совет халқчиларнинг кўпгина шонли фарзандлари ўша вақтда социалистик революция ғалабаларини мардонавор ҳимоя қилиб, душман устидан ғалаба қозониш учун олиб борган жангда ўз ҳаётларини қурбон қилдилар. Меҳнаткашлар булар орасида 1919 йилнинг январида халқ хоинларн, империализм агентлари томонидан ҳалок этилган ўн тўрт Туркистон комиссари номини ҳурмат билан тилга олмоқдалар.

Тошкент авиация заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Г. Павлова, кекса коммунист шахсий пенсионер Д. Д. Абрамов, Тошкент шаҳар комсомол Комитетининг биринчи секретари Э. Умаров, Октябрь Революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон заводининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси, Снёсий бошқармаси бошлиғи генерал-майор А. В. Дебалюк ўз нутқларида пролетар революцияси учун олиб борган курашнинг қаҳрамон қатнашчиларининг порлоқ хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. Улар революция қаҳрамонлари фидокорона жанг қилган иш мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашаётган совет халқининг шонли муваффақиятларида яшамоқда.

Митингда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали Н. Г. Ляшченко қатнашди.

Тантанали вазиятда 14 Туркистон комиссари монументи супасига гулчамбарлар қўйилади. Кафанов номли хиёбондаги қардошлар мозорига ҳам шу куни гуллар қўйилди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ПРОЛЕТАРИАТИНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

(Боши учинчи бетда).

йўлидан қочди. Эски шаҳарда тузилган аксилинқилобчи «Вақтли ҳукумат» аъзоларидан бир қисми қочди, бир қисми эса қамоққа олинди. Шундай қилиб Советларга қарши қўзғолон ишчилар синфининг уюшқоқлиги, большевикларнинг ташкилотчилик роли, аҳолининг актив иштироки туфайли тор-мор этилди ва чет эл империалистларининг маккорона режалари барбод бўлди.

Қўзғолон тор-мор этилган куни «Вақтли революцион комитет» сайланиб, у Советларнинг съезди чақирилгунга қадар ҳокимиятни ўз қўлида саклаб турди.

Туркистоннинг янгидан ташкил этилган Совет ҳукумати қўзғолон бостирилгани ҳақида В. И. Ленин ва Я. М. Свердловга хабар берди.

Тошкентда Советларга қарши қўзғолон тор-мор этилган куни, 1919 йилнинг 22 январида Совет қуролли кучлари Оренбургни озод қилди ва Туркистон Совет Россияси билан боғланди. Бу иккала тарихий воқеа Туркистонда ёш Совет ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Қўзғолончиларга қарши кураш давомида Тошкент пролетариати Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлидаги бундан кейинги шиддатли жанглар учун янги матонат орттирди, яширин душманларни сезгирлик билан билиб олиш йўлларини ўрганди.

Қўзғолончиларга қарши кураш, шунингдек, ўзбек ва рус меҳнаткашларининг маҳкам жипслиги ва дўстлигини, Совет ҳокимияти ғояларининг халқ оммаси орасида тобора кенг тарқалаётганини, бу ғояларнинг ғолибона таъсири нақадар кучлилигини, меҳнаткашларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тевараги жипслашганлигини намойиш қилди.

Туркистон комиссарлари хотираси Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбида ҳамиша сақланади. Туркистонда Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши учун курашда қурбон бўлган бу комиссарларга Тошкент Вокзал олди майдонида ҳайкал ўрнатилган.

Ўзбек халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида Совет халқларининг қардошларча ягона оиласида Улуғ Октябрь ғалабаларини гражданлар урушининг алангали йилларида ҳимоя қилиб қолди, қисқа муддат ичида социализм қурди, снёсий, хўжалик ва маданий қолоқликка барҳам берди. Шарқдаги илгор социалистик миллатга айланди. Бугунги кунда эса ўзбек халқи муваффақиятли равишда коммунизмнинг муҳташам биносини барпо этмоқда.

Ғ. РАШИДОВ,
тарих фанлари доктори.

Халқаро ҲАЁТ

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНГРЕССГА ИҚТИСОДИЙ МАКТУБИ

ВАШИНГТОН. ТАСС мухбири В. Чуксеев хабар беради:

Инфляция билан кураш Қўшма Штатлар учун асосий проблема бўлиб қолмоқда.

АҚШ президентининг 16 январь куни конгрессга йўллаган иқтисодий мактубда яна бир марта таъкидлаб айтиладики, қимматчилик 1968 йилда кейинги йиллардаги рекорд даражага етди ва миллион-миллион америкаликлар учун АҚШ экономикасида давом этаётган инфляциянинг асосий оқибати бўлиб қолди. Кенг истеъмол молларининг нархлари ўтган йилнинг 11 ойи мобайнидагина 4.8 процент кўтарилди. Медицина хизмати учун олинадиган ҳақ, уй-жой ва жамоат транспортида қатнаш учун тўланадиган ҳақ жуда ошиб кетди. Мана шуларнинг ҳаммаси Америка меҳнаткашларининг аҳволини тағин ҳам кўпроқ ёмонлаштириб юборди. Президентнинг мактубида айтилишича, Америка меҳнаткашлари орасида камбағалликда кун кечираётган 22 миллион киши бор.

Шу нарса диққатга сазовордирки, 1968 йилда мамлакатда ишсизлар сони тўрт процентдан сал камроқ бўлганлигини Америка ҳукумати ўзининг «муваффақияти» деб ҳисоблаш даражасига бориб етди.

Президент мактубидан маълум бўлишича, инфляция ҳодисаларига қарши курашиш 1969 йилга мўлжалланган иқтисодий программанинг асосий вазифаси бўлади. Жонсон қўшимча даромад солиғи олиш муддатини узайтиришга ва қисқартириш дастлаб мўлжаллаб қўйилган яна бир қанча солиқларни сақлаб қолишга қарор берганлигини илгари эълон қилган эди.

Мана шундай шароитда президент «пишиқ» молиявий сиёсат ўтказиш зарур, деган фикрни айтиб, касаба союзларини ишчиларнинг иш ҳақини оширишни «ҳадеб» талаб қилабермасликка даъват этмоқда.

Шу билан бирга мактубда АҚШнинг халқаро миқёсдаги молиявий позицияси ҳаяжонга солаётганлиги ҳам сезилиб турибди. Ҳукумат Америка капиталларининг чет элларга олиб кетилаётганлигини контроль қилиб туришни бундан буён ҳам давом эттирмоқчи.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

АММОН, 16 январь. (ТАСС). Иордания билан жанглар тўхтатилган районда Исроил ҳарбийларининг иғвогарликлари бир кун ҳам тўхтамай давом этиб келмоқда. Иордания қўмондонлиги вакилининг бу ерда айтган гапига қараганда, кеча Исроилнинг учта вертолёти қирувчи самолётлар ҳимоясида келиб, Иордан дарёси водийсининг шарқий қисмидаги водий араб районини ўққа тутган. Иордания зенит артиллериясининг ўт очиши натижасида вертолётлар қайтариб юборилди.

Бугун Исроил қўшинлари Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмида жойлашган Қарқаранинг ғарбидаги районда Иордания қўшинлари турган жойга танклар, тўплар ва пулеметлардан ўт очди.

Иордания қўшинлари душманга жавоб ўти очди. Ун минутдан кўпроқ давом этган отишма натижасида Исроилнинг бир брочетранспортери яксон қилинди.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИДА ЯНГИ ҚАДАМ

БРЮССЕЛЬ. НАТОнинг мудофаани планлаштириш комитети сессияси 16 январда ўз ишини тамомлади. Сессияда шу ҳарбий блок аъзоси бўлган 14 мамлакатнинг мудофаа министрлари (Франция вакили сессияда қатнашмади) кескинликни кучайтириш ва куролланиш пойгасини авж олдириш йўлида яна бир қадам қўйишди. Улар Ўрта Денгизда бирлашган ҳарбий денгиз кучлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилишди. Бу ҳарбий денгиз кучлари вақтивақти билан маневрлар ўтказиб туради.

Якунловчи ахборотда айтилишича, «Иттифоқчиларнинг бирдамлигини кўрсатиш» ва «Ўрта Денгиз районини кузатиб туриш» учун шундай қилинди.

Министрлар НАТО куролли кучларининг 1969—1973 йилларга мўлжалланган планларини ҳам тасдиқладилар. Шу планларга кўра, ҳарбий харажатлар янада кўпайтирилади.

Нью-Йорк. Брод-стрит. Бу ерда банклар, страхование компаниялари, АҚШнинг молия ва юқори мартабали доираларининг «Уолл-стрит джорнэл» газета редакцияси жойлашган.

В. Егоров фотоси, ТАСС фотохроникаси.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

СИНФИЙ ЖАНГЛАР

✦ АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ меҳнаткашларининг забастовка кураши экономиканинг бир соҳаси кетидан иккинчи соҳасига ёйилиб бормоқда.

«Фантом» реактив қирувчи-бомбардимончи самолётларини ишлаб чиқараётган Сент-Луисдаги (Миссури штати) йирик авиация заводида ишлар тўхтаб қолди. Меҳаниклар касаба союзига аъзо бўлган 18 минг ишчи иш ҳақини ошириш ва социал таъминотни яхшилаш учун курашиб, иш ташлади.

АҚШнинг энг йирик шаҳарларидан бири Филадельфияда ҳар куни бир миллиондан ортиқ йўловчи ташийдиган шаҳар транспорти тўхтаб қолди. Метро, автобус ва троллейбусларнинг ходимлари меҳнат шароитининг яхшиланишини ва иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

✦ ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Франциядаги целлюлоза-қоғоз саноати корхоналарининг ишчилари муҳим ғалабага эришдилар. Оғир шароитда узоқ давом этган музокаралар натижасида корхона эгалари ён беришга ва меҳнатчаларнинг иш ҳафтасини қисқартириш учун розилик билдиришга мажбур бўлдилар.

✦ АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Англиянинг дизель ишлаб чиқарувчи энг йирик «Перкинс оф Питерборо» фирмаларидан биринчи корхонасида забастовка натижасида ишлар бутунлай тўхтаб қолди. Иш ташловчилар қонунга хилоф суратда ишдан бўшатилган цех бошлиғининг қайтадан ишга олинишини талаб қилмоқдалар.

Абердин аэропорти ва Шотландиядаги бошқа аэропортларнинг ходимлари иш ҳакини оширишни тўғрисидаги ўз талаблари учун курашиб, бир неча хафтадан буён қисқа муддатли забастовка ўтказиб келмоқдалар.

✦ ИТАЛИЯ

РИМ. Касаба союз ташкилотлари бутун мамлакат миқёсида забастовка бошлашга қарор берганларидан кейин Италиядаги бензин қуювчи станцияларнинг эгалари ишчиларнинг вакиллари билан музокара олиб боришга мажбур бўлдилар. Италиядаги ана шу станцияларнинг ишчилари бутун мамлакат миқёсида иш ҳакининг оширилишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини кўзда тутган янги умуммиллий меҳнат шартномаси тузилишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

ЛИВАННИНГ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

БАЙРУТ, 16 январь. ТАСС мухбири П. Егоров хабар беради:

Демократик парламент фронтининг раҳбари Рашид Караме Ливаннинг янги ҳукуматини 16 министрдан иборат составда тузди. Бу ҳукумат Абдаллаҳ Яфининг «тўртлар кабинети» ўрнини эгаллади. Партия ичидаги ихтилофлар кескинлашиб кетганлиги натижасида Яфи 8 январда истеъфо берган эди.

Собиқ президент Шамун бошчилигида иш кўрган ва ғарбга тарафдор бўлган реакцион «эркин ватанпарвалар партияси»ни мустасно қилганда, парламентдаги етакчи партиялар ва гуруҳларнинг вакиллари янги ҳукумат ҳайъатига ўтди.

Янги ҳукуматни тузиш олдидан кескин сиёсий кураш давом этди. Шамун ўз партиясининг вакилини ҳукумат составига ўтказиш учун ҳар қандай йўллар билан уринди кўрди. Мамлакатнинг ватанпарвар кучлари унинг бу уринишига қарши қатъий эътироз билдирдилар. Социалистик прогрессив партиянинг раиси Камол Жумблат Шамун партиясини «Ливан халқининг миллий манфаатларига қарши ҳаракат қилаётган реакцион куч», деб атади.

Шамунинг номи Американинг 1958 йилда Ливанга қилган қуролли интервенцияси билан боғланган. Шамун ўша вақтда республика президенти бўлгани ҳолда Америка денгиз пиёда аскарларининг мамлакат территориясига туширилишига рухсат берган эди. Шамуннинг ўз партияси вакилини кабинет составига киритиш тўғрисидаги талаби рад этилганидан кейин у янги ҳукуматга бойкот эълон қилди. Аммо, снёсий обзорчиларнинг фикрича, Рашид Караме ҳукумати парламентдаги мутлақ кўпчиликка таянади ва Шамун гуруҳининг бойкоти мамлакатдаги миллий ватанпарвар кучлар қўллаб-қувватлаётган янги ҳукуматга хавф туғдирмайди.

Кабинетнинг 16 аъзосидан 11 киши ўтмишда ҳукумат составига бир неча бор ўтган эди. Янги ҳукумат фақат парламент депутатларидан тузилди.

Рашид Караме матбуот учун берган баёнотида ўз бошчилигидаги кабинетни «ишчи ҳукумати» деб атади. «Бу ҳукумат олдида халқ талабларини бажариш каби масъулиятли вазифалар турибди». Янги ҳукумат, деди Караме, Исроил таҳдидига қарши мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чораларини кўради, умумий ҳарбий мажбуриятни жорий қилиш ва граждан мудофаасини таъминлаш чораларини амалга оширади. Ливаннинг ташқи сиёсатини бошқа Араб мамлакатларининг сиёсати билан мувофиқлаштириб олиб боришга эришади ва Араб мамлакатлари Иттифоқи ва Араб мамлакатларининг юқори доирадаги кенгашлари чиқарган қарорларга амал қилади.

АҚШДА ГРИПП КАСАЛИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда кенг тарқалган Гонконг гриппи касаллиги шу кунларда мамлакатнинг 26 штатида жиддий хавф туғдириб турибди.

28 декабрдан 11 январгача АҚШдаги 122 шаҳарда Гонконг гриппи 3211 кишининг ёстиғини қуритди. Врачлар қаттиқ огоҳлантирганлигига қарамай, дори-дармон чиқарувчи компаниялар, газеталарнинг ёзишича, сотилмай қолади ва фойдамиз камаяди, деб гриппга қарши вакциналар ишлаб чиқаришни кўпайтирмадилар.

(ТАСС).

ДАРЁ ТОШДИ

АШХОБОД 17 январь. («Правда» мухбири Р. Эсонов). Ярим кечаси Чоржўй шаҳрида ташвишли хабар тарқалди: Амударё қирғоқларидан тошибди. Бу ёрлар учун одатдагидан ташқари бўлган қаттиқ совуқ туфайли дарё қалин муз билан қопланган. Кейин ҳавонинг кескин исиб кетиши сабабли муз тезлик билан эриган. Муз остида кучли оқим пайдо бўлган. Ана шу нарса Амударёдан ўтган бир неча километрли темир йўл кўпригининг пастрои ва юқорирогида тиқин пайдо қилган. Сув муз устига ёйилиб, шиддат билан шаҳарга интилган.

Шаҳар партия комитети қутурган табиатга қарши курашни ташкил этиш бўйича штаб-га айланди. Мухбирингиз Чоржўй билан телефон орқали боғланди. Туркманистон Министрлар Советининг раиси, Ҳукумат комиссиясининг раҳбари М. Ғафуров трубкани қўлга олди:

— Чоржўй ҳозир қамал қилинган шаҳарга ўхшаб қолди, — гапириб берди ўртоқ Ғафуров.— Сув йўлини қум солинган қоплар билан тўса бошладик. Тошкинга қарши курашиш учун ишчилар ва студентларнинг отрядлари етиб келишди. Бу бригадалар коммунистлар ва комсомоллардан иборат эди. Айтиш керакки, шаҳарнинг бутун аҳолиси юксак уюшқоқлик ва матонат кўрсатди. Дастлаввал одамларни қутқариш ташкил этилди. Бу ишда биз-га Туркистон ҳарбий округининг етиб келган жангчилари катта ёрдам бердилар. Улар вертолётларда ва танк-амфибиялар ёрдамида сув ичида асирликда қолган кишиларни қутқара бошладилар.

Жангчилар ўлкан тиқинларни бомба билан портлатмоқдалар, сув ниҳоят пасая бошлади. Чоржўй станциясига Ашхоободдан, Тошовуздан, Маридан, Красноводскдан нон, гўшт ва дори-дармонлар, қурилиш материаллари, ёнилги ва мойлаш материаллари ортилган эшелонлар тинимсиз келиб турибди. Ўзбекистон қардошларча ёрдам қўлини чўзди. Қоракўл районидан механизаторлар ва қурувчилар тушган 200 та юк автомашинаси етиб келди. Қоракўл район партия комитетининг секретари Д. Курбонов ва Бухоро область ижрокомининг раиси Н. Бозоровлар уларга бош бўлиб келишди.

«Правда», 1969 йил 18 январь.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 10.00 — **Мультфильм** (болалар учун). 10.10 — **Уйлаб топ** (кичкинтойлар учун). 10.40 — **Урмон болалари** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 11.50 — **Ботир бола ҳаҳида эртак** (бадиий фильм). 13.05—Спорт (ўсмирлар учун). 13.35 — **Алангали йиллар** (бадиий фильм). 16.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 17.00 — **Санъат гунчалари** (ўқувчилар учун).

Рус тилида: 17.30 — **Кувноқ дўстлар** (болалар учун кўғирчоқ фильм). 17.55 — **«Ахборот»** информацион программаси. 18.25— **Изланиш** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 19.45—**Оталар сўзи—аҳлнинг кўзи** («Ёшлик» студияси кўрсатади). 20.25—**«Ахборот» информацион прогаммаси.** 20.55 — **Сахнамиз қизиқчилари. Юсуфжон қизиқ.** 21.35 — **Бадиий фильм.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан—**Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан—**Фрунзе телестудиясининг кўрсатишлари.**

20 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.00 — **Бахтимиз учун курашганлар** (Ўзбек тилида, ўқувчилар учун).

Рус тилида: 18.25 — **Телеянгиликлар.** 18.40 — **Уларнинг шуҳрати абадий** (Совет Армияси жангчилари учун): 19.00 — **Бу воқеанинг содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди** (ҳужжатли фильм). 19.10 — **Ўзбек классик поэзияси саҳифалари. Паҳлавон Маҳмуд.** 19.40 — **Реклама ва эълонлар.** 19.45 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.50 — **Телеянгиликлар.** 20.10 — **Баракали меҳнат—натта даромад.** 20.35—**Чингиз Айтметов** (телефильм). 20.55 —**Халқ контроли экрани.** 21.25 — **Бир томчи қон** (телетеатр).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан—**Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Душанба телестудиясининг кўрсатишлари.**

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» УЙИДА
21 январь кеч соат 7 да

КУЛГИ КЕЧАСИ

Программада: ҳажвий ҳикоялар, ҳазил, ҳўшиқлар, чет эл юморлари, интермедиялар.

Кечани СССР халқ артисти **Наби РАҲИМОВ** ва Ўзбекистон халқ артисти **Амин ТУРДИЕВ** олиб бораднлар.

Кечада Ўзбекистон ССР халқ артистлари: **С. ХУЖАЕВ, Р. БОЛТАЕВ, Ғ. АЪЗАМОВ, Э. ШУКРУЛЛАЕВ;** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Б. ИҲТИЕРОВ, Р. ИБРОҲИМОВ, О. ФАЕЗОВА;** артистлар **Н. ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, М. ШАМАЕВА, И. МАЛЛАЕВ, Э. КАРИМОВ, С. ЗИЕВУДДИНОВ, Г. ЕҚУБОВА, К. ЖАЛИЛОВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ҳ. ЯУЛДОШЕВ, Ш. АЗИМОВ,** шунингдек «ТАБАССУМ» радио журнали муҳаррирлари: **И ЗОКИРОВ, Т. ҚУЗИБОЕВ, Т. СОДИҚОВ** иштирок этадилар.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалиги — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 836142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—83, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ В. — 16. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02563.